# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 157.

Учкудук туман.

2022 йил "24" декабрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Учкудук туман Ободонлаштириш бошқармаси Низом асосида иш кўрувчи **Ф ХАСАНОВ** бир томондан ва кейинги ўринларда Пудратчи" деб юритиладиган **Учкудук ТЙФУК номидан устав** асосида иш кўрувчи Э . Муминов томондан бошқарма балансидаги ***Учқудуқ Туман Ифтихор ОФЙ худудидаги ички йулини жорий таъмирлаш*** ишлари бўйича қуйидаги шартномани тузди лар.

## I. ТАРИФЛАР

1.Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига ***Учқудуқ шахар чули гули кучасидан куп каватли уйларга кириш йулини жорий таъмирлаш*** ишлари лойихасида кўзда тутилган холда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 107 848 363 ***( Бир юз етти миллион саккиз юз қирк саккиз минг уч юз олмиш уч*** ) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. қуйидаги холлар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

адвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Букурилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан беш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII.ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматнинг *30 (%)* фоизи микдорида аванс ўтказади, бу ***32 354 508*** **сўм 90 тийин ташкил этади.**

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Даварxитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## X. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

34.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

34.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл қўймайдилар.

34.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш соҳасидаги амалдаги конун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошка ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

34.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг хар кандай шаклини рад етадилар, жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажариши.

34.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

34.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш холатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## 10. КАФОЛАТЛАР

35. Пудратчи: барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

35.1 Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боглик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи "Даварxитекткурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 0.3 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Иксодий суди томонидан кўриб чикилади.

## XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

53. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

52.Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

54.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

55.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

56.Шартнома имзоланиб Ғазначиликдан руйхатдан ўтгандан сўнг конуний кучга киради ва амал килиш муддати “31” декабр 2022 йилгача хисобланади.

## XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**ПУДРАТЧИ**

**Учкудук ТЙФУК**
**Юридик манзили Йулчилар 1 уй**

*х/р 470010860122487045193118001*
*Банк номи Марказий банк*
*МФО 00014*
*ИНН 200011280*

*Рахбар* *Э Муминов*
*(ф.и.о.)* *(имзо)*

*М.У*

**БУЮРТМАЧИ**

*Учқудуқ Ободонлаштириш бошқармаси*
*Юридик манзилгох:Чул гули кучаси 29-уй*
*Х\р: 100022860122487065200110002*
*ИНН: 206 908 433*
*Банк номи:Марказий Банк Тош. шХККМ*
*Банк коди (МФО) 00014*
*Ғазначилик бўлими Учкудуқ туман*
*ЯҒХ: 2340 2000 3001 0000 1010*
*ИНН 201 122 919*
*ХХТУТ:00001*

*Рахбар Ф Хасанов* *(имзо)*
*(ф.и.о.)*

*М.У*

*Юрист хулосас: Ушбу шартнома Узбекистон Республикаси конунларига ва норматив хужжатларига мос равишда тузилган.*

_______________________ *Ф.И.О.*

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

HS1467450301

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Iftixor shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uchquduq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uchquduq tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**I.I.ODILOV**
21.12.2022

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 209326 на приобретение Учкудук Туман ифтихор ОФЙ худудаги ички йулларини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 17.12.2022

Время рассмотрения 08.12.2022 09:54

Конкурсная комиссия Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Председатель комиссии | XASANOV FARXOD MURATOVICH | бошлик | Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Секретарь комиссии | TILYABOVA LOBAR ABDURASHITOVNA | бош хисобчи уринбосари | Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | QAHHOROV SALIM QORAQULOVICH | бош хисобчи | Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH | йул булими назоратчиси | Учкудук туман Ободонлаштириш |
| Член комиссии | HAMROYEV JASUR AMRILLOYEVICH | Кукаламзорлаштириш бригадири | Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | BOBOQULOV NODIRBEK ZIYADULLAYEVICH | Кукалазорлаштириш бригадири | Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.12.2022 года № лота 209326.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
| Подробное описание | Учкудук Туман ифтихор ОФЙ худудаги ички йулларини жорий таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | усл. ед |
| Цена товара (услуги) за единицу | 108 496 503.00 |
| Стартовая сумма | 108 496 503.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишчи кучи тугрисида маълумотлар ( малакали мутахасислар тугрисида )

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи кучи тугрисида маълумотлар ( малакали мутахасислар тугрисида )

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| OOO UCHQUDUQ BEK BARAKA | 20 | Ишчи кучи тугрисида маълумотлар | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 2Солик туловларидан карзи йууклиги тугрисида ва кандай солик туловчиси тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 2Солик туловларидан карзи йууклиги тугрисида ва кандай солик туловчиси тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА | 15 | 15 | 10 | Экспертная | | |
| OOO UCHQUDUQ BEK BARAKA | 15 | Солик туловларидан карзи йууклиги тугрисида ва кандай солик туловчиси тугрисида маълумот | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 охириги уч йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тугрисида маълумот .

Тип: Текстовое значение

Описание: охириги уч йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тугрисида маълумот .

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА | 15 | 15 | 14 | Экспертная | | |
| OOO UCHQUDUQ BEK BARAKA | 15 | охириги уч йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тугрисида маълумот . | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш тугрисида )

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш тугрисида )

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| OOO UCHQUDUQ BEK BARAKA | 20 | Кафолат хати | 10 | Экспертная | | |

Описание: Курилиш вазирлигининг махсус параталидаги Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |
| ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA | 15 | Курилиш вазирлигининг махсус параталидаги Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт | 5 | Экспертная | | |

Критерий №9 Махсус техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот .

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсус техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот .

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA | 20 | Махсус техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот | 10 | Экспертная | | |

Финансовое значение

Наименование товара: Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог

| Ценовые предложения | | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|---|---|---|---|---|---|
| Наименование участника | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации ( UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение ( UZS) |
| ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA | 108 496 503.00 | 104 895 577.00 UZS | 104 895 577.00 | 00.00 | 104 895 577.00 |
| УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА | 108 496 503.00 | 107 848 363.00 UZS | 107 848 363.00 | 00.00 | 107 848 363.00 |

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 108 496 503.00 UZS

| Наименование участника | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО | 104 895 577.00 | 104 895 577.00 | 00.00 | 00.00 | 104 895 | 16.12.2022 | 5 |

Критерий №5 Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нусхаси .

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нусхаси .

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| **УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА** | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| **OOO UCHQUDUQ BEK BARAKA** | 20 | Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нусхаси . | 18 | Экспертная | | |

Критерий №6 бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишларга хамда элъонда курсатилган смета хужжатларига мос равишда булиш лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишларга хамда элъонда курсатилган смета хужжатларига мос равишда булиш лозим

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| **УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА** | 20 | 20 | 14 | Экспертная | | |
| **OOO UCHQUDUQ BEK BARAKA** | 20 | бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишларга хамда элъонда курсатилган смета хужжатларига мос равишда булиш лозим | 13 | Экспертная | | |

Критерий №7 Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисидам гувохнома ва устав нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисидам гувохнома ва устав нусхалари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| **УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА** | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |
| **OOO UCHQUDUQ BEK BARAKA** | 15 | Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисидам гувохнома ва устав нусхалари | 15 | Экспертная | | |

Критерий №8 Курилиш вазирлигининг махсус параталидаги Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Тип: Текстовое значение

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| UCHQUDUQ BEK BARAKA | UZS | | | | 577.00 | 12:16:52 | |
| **УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА** | 107 848 363.00 UZS | 107 848 363.00 | 00.00 | 00.00 | 107 848 363.00 | 16.12.2022 10:47:13 | 4.8631 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA** | 54.03125 | 5 | 59.03125 |
| **УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА** | 84.3125 | 4.8631 | 89.1756 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 209326 от 17.12.2022 года на приобретение Учкудук Туман ифтихор ОФЙ худудаги ички йулларини жорий таъмирлаш определила победителем:

УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДА
200011280

и резервный исполнитель: ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA ( 305193120 )

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| Председатель комиссии | XASANOV FARXOD MURATOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | QAHHOROV SALIM QORAQULOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | HAMROYEV JASUR AMRILLOYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | BOBOQULOV NODIRBEK ZIYADULLAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП